



## SPORTS MEDIATION

Vahobov Shohjahon Umidjon ugli <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Lawyer Training Center Organization and control of the educational process

Chief Specialist of the Department

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4742128>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> April 2021  
Accepted: 25<sup>th</sup> April 2021  
Online: 30<sup>th</sup> April 2021

### KEY WORDS

sports mediation, sports conflict (dispute), mediation, alternative (effective) dispute resolution

### ABSTRACT

*The article analyzes the factors that determine the effectiveness of sports-related dispute resolution through mediation. The advantages and prospects of introducing mediation into the practice of sports dispute resolution have been revealed through mediation technology.*

## СПОРТ МЕДИАЦИЯСИ

Ваҳобов Шохжаҳон Умиджон ўғли <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш бўлими бош мутахассиси

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021  
Ma'qullandi: 25-aprel 2021  
Chop etildi: 30-aprel 2021

### KALIT SO'ZLAR

спорт медиацияси, спорт можароси (низо), медиация, низоларни муқобил (самарали) ҳал қилиши.

### ANNOTATSIYA

*Мақолада спорт билан боғлиқ низоларни медиация йўли билан ҳал этиш самарадорлигини белгиловчи омиллар таҳлил қилинган. Медиацияни спорт низоларни ҳал қилиш амалиётига жорий этишнинг афзалликлари ва истиқболлари медиация технологияси орқали очиқ берилган.*

XXI асрнинг бошларига келиб медиация халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг ҳақиқий драйверига айланди десак муболаға бўлмайди. Халқаро тижорат муносабатларидаги яраштириш тўғрисидаги намунавий қонун (ЮНСИТРАЛ) асосида 2004 йил 2 июнда Брюсселда (Белгия) Европа Иттифоқи учун тавсия этилган Медиаторларнинг Европа одоб-ахлоқ қоидалари қабул қилинди [1]. Ҳозирги вақтда Европа мамлакатларида

медиация ҳақиқатан ҳам давлат ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида, шу жумладан, спорт низоларини судгача ҳал қилишнинг энг мақбул алтернатив воситаси даражасига кўтарилди.

Низоларни судгача ҳал қилишнинг ҳеч қайси тури медиациянинг ўрнини боса олмайди. Масалан, Франция, Буюк Британия, Россия давлатларида спорт низоларни ҳал қилишни амалга оширадиган Низоларни ҳал қилиш



палаталари мавжуд. Агар бундай органларнинг фаолиятини батафсил кўриб чиқадиган бўлсак, улар дастлаб медиациянинг асосий тамойилларига, хусусан, томонларнинг объективлиги ва мустақиллигига мос келмаслиги намоён бўлади. Бундай “палаталар”нинг қарорлари тўғридан-тўғри спорт федерацияларининг қарорларига боғлиқ бўлади ва уларнинг идоравий органлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Франциянинг етакчи конституциявий ҳуқуқшуноси Маитре Бернард Фучер спорт билан боғлиқ ҳуқуқий низоларни “*спорт оиласи ичида*” ҳал қилиш анча яхши деб ҳисоблаган [2].

Спорт ҳуқуқи соҳасида таниқли рус олимлари С.В. Алексеев, С.С. Алексеев, А.М. Бриллиантова, С.И. Гусков, Р.О. Зайков, В.В. Ярков ва бошқалар фаолият олиб боришган бўлса, Е.В. Погосян (2009), А.В. Сердюков (2010), А.А. Соловьев (2011), А.Е. Базикин (2012), Е.А. Вострикова (2012)лар спорт ҳуқуқи бўйича бир қанча тезисларни ҳимоя қилишган. Умуман олганда, мазкур ҳуқуқ доирасида кўплаб конференциялар, давра суҳбатлари ва симпозиумлар ўтказилган. Шунингдек, О.Е. Кутафин номидаги Москва давлат юридик академиясида ҳар йили халқаро илмий-амалий конференциялар ўтказилиб, уларнинг материалларида баъзида спорт медиацияси тўғрисида маърузалар мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин (Р.О. Зайков, И.А. Благодарева, М.А. Погорелов) [3, Б. 695].

Спорт соҳасида медиацияни ривожлантириш низоларни ҳал қилиш жараёнини тезлаштиради, молиявий юкни камайтиради, шунингдек, спорт низоларини ҳал қилишнинг ушбу усулидан фойдаланилганида томонлар ўртасидаги шерикчилик (иттифок) муносабатлари сақланиб қолинади [4]. Аслида, бу 1999 йилда таниқли бокс промоутери Франк

Уоррен ва супер оғир вазнда собиқ (WBO) жаҳон чемпиони Ричи Вудхолл ўртасидаги келишмовчилик медиаторлик йўли билан муваффақиятли ҳал қилинишининг омилларидан бири эди. Ишни кўриш дастлаб судда бошланган. Шундай қилиб, бу иккала томон учун нафақат кўп вақт ва қиммат, балки уларнинг обрўсига ҳам зарар етказиши мумкин эди. Вудхолл рингга қайтишни орзу қилар ва агар у Уоррен билан жангни хоҳласа, қисқа вақт ичида ўзининг жаҳон чемпионлиги унвони учун уни ҳимоя қилиши керак эди. Бу ҳолатларнинг барчаси суд ишни воситачиликка юборишга қарор қилишига олиб келди. Ва 72 соат ўтгач, келишмовчиликлар ҳал қилинди ва Вудхолл Уоррен билан янги шартнома имзолади [5]. Шубҳасиз, медиация Вудхолл / Уоррен иши ва бошқа кўплаб спорт низоларида катта муваффақиятларга сабабчи бўлган.

Спорт низоларининг хилма-хиллиги уларнинг ягона таснифини ишлаб чиқишга ва уларни амалда фарқлашга имкон бермаслигига қарамай, спорт низолари дейилганида қўйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

– молиявий характерга эга низолар (спортчи ва спорт ташкилоти, жамоаси, клуби ўртасида меҳнат шартномалари бўйича иш ҳақи, мукофотлар, компенсациялар, жарималар тўлаш);

– шартномавий характерга эга низолар (меҳнат шартномаларини бажариш ва бекор қилиш, спортчи ва спорт агенти ўртасида, спорт агенти ва клуб ўртасида тузилган шартномалар, спортчиларни кўчириш шартномалари ва бошқалар);

– ташкилий характерга эга низолар (мусобақаларга танлов ўтказиш, федерация ёки спорт клубига аъзолик, спорт федерацияларининг қарорларига



норозилик билдириш, масалан, спорт санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида);

– жамоа ичидаги низолар (мураббий ва жамоа, спортчи ва мураббий, спортчи ва жамоа, мураббий ва клуб раҳбарияти ўртасидаги муносабатлар ва бошқалар);

– допингдан фойдаланиш фактлари билан боғлиқ низолар;

– коррупция ҳолатлари билан боғлиқ низолар.

С.А. Юрловнинг юридик фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ишида “спорт низоси”га қуйидагича таъриф берилган бўлиб, бу спорт ҳуқуқий муносабатларидаги субъектлар ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича келишмовчиликдир [6]. Спорт можароси эса мутлақо бошқа тушунча. Спорт можаросида спортчи билан бирга бошқа актёрлар, мухлислар ва спорт муносабатлари субъектлари бўлмаган шахслар қатнашадилар, яъни спорт можаролари кўп компонентли ва стихияли бўлади. Бундан ташқари, спорт можаролари табиатан ҳиссий, психологик ва ҳк. натижасида содир бўлади.

Спорт низоларини ҳал қилиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

– спорт низоларини ҳал қилишда нафақат турли хил ҳуқуқ соҳаларининг моддий ва процессуал нормалари, балки ўзаро боғлиқлигига қарамай, бир-бирига зид бўлиши мумкин бўлган спорт ташкилотларининг меъерий ҳужжатлари қоидалари ҳам ўзаро муносабатларда қўлланилади.

Медиация тўғрисида кенг тарқалган нотўғри тушунчалар қуйидагилар бўлиши мумкин:

Медиацияга рози бўлиш аслида муваффақиятсизликни тан олиш деган нотўғри тушунча мавжуд. Медиация жараёнида назорат тарафларда қолади,

чунки медиатор бирон бир қарорни қабул қилиш ёки бирон бир келишувни мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас. Томонларга таклиф қилинган келишув адолатли ва оқилона деб ҳисоблаган тақдирдагина, келишувга эришилади.

Кўп одамлар медиацияни қўллашни истамайдилар, чунки улар медиация пайтида рақиб ўз иши тўғрисида кўпроқ маълумот олишлари мумкин деган нотўғри тушунчада бўлишади. Бироқ, медиация жараёнида ҳар бир томон ошкор қилинган маълумотларни тўлиқ назорат қилади. Агар бирон бир томон “рақибга” бирон бир нарсани айтишни хоҳламаса, уни ўзларида сақлаб қолишлари ёки медиаторга айтишлари мумкин бўлади. Албатта, агар маълумот бошқа томонни келишувни қабул қилишга ишонтирадиган нарса бўлса, бу вазиятларда ушбу маълумотни ошкор қилиш билан жуда оз нарса йўқолади. Медиацияда аниқланган ҳеч нарса бирон бир томондан ишлатилиши мумкин эмас, шунингдек, кейинги суд жараёнлари ёки ҳакамлик муҳокамаларида медиатордан иккала томон номидан далил беришни талаб қилиниши мумкин эмас.

Медиациянинг афзалликлари қаторида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим:

– *универсаллик*. Спорт муносабатлари ҳуқуқнинг турли соҳалари (фуқаролик, меҳнат, солиқ, маъмурий ва ҳ.к.) томонидан тартибга солинади, шунинг учун ҳам медиацияни турли моддий-ҳуқуқий низолар билан боғлаб қўллаш мумкин бўлади. Бироқ, баъзи спорт низолари (допинг, келишилган ўйинлар, коррупция, интизомий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида) бундан мустасно [7];

– *махфийлик*. Спорт фаолиятининг тобора кўпайиб бораётган тижоратлаштирилиши шароитида спортчилар учун бу ҳал қилувчи омил



бўлиши мумкин, чунки томошабинлар олдида спортчиларнинг обрўси ҳомийларнинг реклама шартномаларини тузиш истаги билан бевосита боғлиқдир. Медиация жараёнининг икки жиҳати катъий равишда махфийдир. Биринчиси, жараён давомида ҳеч кимга, на томонларга, на воситачига ёки бошқа бирон бир шахсга бирон бир маълумот беришга ёки бу жараён давомида айтилган ёки содир бўлган ҳар қандай нарсани ошкор қилишга йўл қўйилмайди. Махфийликнинг иккинчи параметри медиаторнинг ўзи билан боғлиқ бўлиб, жараён давомида медиатор томонлар билан “шахсий учрашувлар” ўтказида, яъни учрашувларда фақат медиатор ва томонлардан бири иштирок этади. Медиатор бошқа томонга ушбу “шахсий учрашувлар” пайтида айтилган ёки содир бўлган нарсаларни ошкор қилишга йўл қўйилмайди;

– *нисбий арзонлик* (бу воситачининг хизматлари учун тўлов ва суд харажатлари миқдори ўртасидаги фарқ билан, шунингдек, битта воситачилик сеанси давомида низони ҳал қилиш имконияти билан белгиланади). Низони медиация йўли билан ҳал қилиш томонларнинг вақтини ва пулини тежашга имкон беради, деган тахминга асосланиб, низони судда ҳал қилиш билан таққослаганда, 2011 йилда европалик мутахассислар томонидан тегишли тадқиқотлар ўтказилган. Татқиқот натижаларига кўра, медиация вақт харажатларини 19 фоизга камайтириши ва молиявий харажатларни 24% га тежашга олиб келиниши аниқланган [8];

– *низоларни ҳал қилиш тезлиги*. Низоларни медиация процедурасида ҳал қилиш тезлиги тўғрисида фақат процедуранинг ўзи самарали бўлган тақдирда ва томонлар медиация шартномасини бажарган тақдирдагина гаплашишимиз мумкин. Бошқа ҳолларда,

медиация вақтни беҳуда сарфлаш жараёни бўлади, чунки низо юрисдикция органига юборилади;

– *ўзаро манфаатли ечимга келиш эҳтимоли ва низо тарафлари ўртасида дўстона муносабатларни сақлаш*. Медиаторлик келишувлари ҳакамлик қарорларига қараганда ихтиёрий ишлаш ва ишончлилиқнинг юқори бўлишини таъминлайди [9];

– *медиаторнинг бетарафлиги ва холислиги*. Медиатор у ёки бу тараф фойдасига қарор чиқармайди. Медиатор фақат томонларнинг ҳаммаси томонидан эркин қабул қилинадиган ечимни топишда ёрдам беради. Бундай ечим, агар қонунга зид келмаса, ҳар қандай шаклда шакллантирилиши мумкин. Медиатор бутун жараён давомида бетараф бўлиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, спорт низолари медиациясининг сони ва натижаси тўғрисидаги статистик маълумотлар деярли мавжуд эмас, бу аввало процедуранинг махфийлиги билан боғлиқдир [10].

Шу билан бирга, медиациянинг кенг қўлланилиши қуйидаги омиллар билан чекланган:

– спорт билан боғлиқ низоларнинг айрим турларида (допинг, келишилган ўйинлар, спорт мансабдорларининг коррупцияси) медиация жараёнини қўллаб бўлмаслиги. Спорт низоларига оид адабиётларда ушбу тоифадаги спорт низолари медиаторлик йўли билан ҳал қилиниши мумкин эмаслиги келтириб ўтилган ва бу амалда тўғри ҳисобланади. Сабаби, допингга оид жинойтлар квази-жиной ишдир. Бундай ҳолат музокара олиб борилмайди. Айбдорлик ёки айбсизлик ҳулосаси ҳар қандай ҳолатда ҳам чиқарилиши керак [11];



– айрим давлатларда медиация соҳасидаги қонунчилик чекловлари;

– умуман жамиятни ва, хусусан, спортчиларни медиация, унинг афзалликлари ва хусусиятлари тўғрисида маълумотларга эга эмаслиги ва натижада низоларни ҳал қилишнинг ушбу услубига ишонч етишмаслиги;

– медиаторлик шартномасини ихтиёрий равишда бажаришда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар. Бундай келишувларни ихтиёрий равишда амалга ошириш тўғрисида юқоридаги айтиб ўтилган келишувга қарамай, мажбуриятларни бажармаслик эҳтимоли мавжуд ва айнан шу омил низоларни ҳал қилиш усулини танлашга таъсир қилиши мумкин.

Шунга қарамай, медиация спорт билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш соҳасида тобора кенг қўлланилмоқ ва спорт соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, низоларни ҳал қилишнинг арбитражгача бўлган жараён ролини ўташи мумкин.

Бошқа томондан, спорт ташкилотларининг молиявий имкониятлари чекланган ва спорт ҳакамлиги бўлмаган давлатларда медиация спортчиларга давлат судларидан қочиб,

спорт баҳсларини тинч йўл билан ҳал қилиш имкониятларини яратиши мумкин. Бу, ўз навбатида, спорт мунозаралари соҳасида медиаторлар учун махсус тайёргарликни талаб қилади.

Хулоса шундан иборатки, спорт Европа Иттифоқига аъзо бўлган 15 та давлатнинг жаҳон савдосининг 3 фоизидан кўпроғини ва ялпи ички маҳсулотининг 1 фоизини ташкил этадиган йирик бизнес тармоғи ҳисобланади [12]. Фақатгина Европа Иттифоқида спорт билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган 2 миллионга яқин иш ўринлари яратилган. Буюк Британияда аҳолининг спортга йиллик сарф-харажатлари 12 миллиард фунт стерлингни ташкил қилади [13]. Шу сабабли, пул билан боғлиқ спорт низолари кўпайиб бораётганлиги ажабланарли ҳолат эмас.

Бугунги кунга келиб, спорт медиацияси “спорт оиласи ичида” адолатли, самарали, тез ва нисбатан арзон нархларда низоларни ҳал қилиш учун жуда машҳур ва самарали воситага айланди. Унинг процедуралари фойдаланувчиларга қулай ва мослашувчан бўлиб, унга мурожаат қилинган кўп ҳолатлар йиллар давомида эмас, балки бир неча ой ичида ҳал қилинади.

## Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Европейский кодекс поведения для медиаторов (European Code of Conduct for Mediators) // URL: <https://mediation-eurasia.pro/wp-content/uploads/2018/04/evropejskij-kodeks-povedenija-dlja-mediatorov.pdf>
2. B. Foucher, ‘La Conciliation comme Mode de Règlement des Conflits Sportifs en Droit Français’, paper presented at the Court of Arbitration for Sport Symposium on Mediation in Lausanne, Switzerland, 4 November 2000.
3. Алексеев С. В. Спортивное право. Трудовые отношения в спорте: учебник. М. : ЮНИТИ-ДАНА; Закон и право, 2013.
4. Wiler, P., and Robers R., 1998. Sporting and the Law: Text, Cases and Problems, 2 nd eds, St Paul Mini West.



5. Centre for Effective Dispute Resolution, a commercial organisation based in London, which offers a wide range of alternative dispute resolution services, including mediation.
6. Юрлов С.А. Разрешение спортивных споров: вопросы теории и практики: дис. ... канд юрид наук: 12.00.15. М., 2017. – 208 с. – С. 137.
7. Споры, связанные с дисциплинарными вопросами, такие как допинг, договорные матчи и коррупция, исключаются из процедуры медиации CAS. Однако в некоторых случаях, где этого требуют обстоятельства и стороны согласны, споры, связанные с дисциплинарными вопросами, могут быть переданы на разрешение с помощью процедуры медиации CAS. CAS Mediation Rules. Режим доступа:  
<http://www.tas-cas.org/en/mediation/rules.html>
8. “Quantifying the cost of not using mediation—a data analysis” (2011) // URL:  
<http://www.europarl.europa.eu/document/activities/cont/201105/20110518ATT19592/20110518ATT19592EN.pdf>.
9. Brown H. & Marriott A. (2011). ADR: principles and practice. Third edition. London: Thomson Reuters; Spencer D., Brogan M. (2006). Mediation Law and Practice. New York: Cambridge University Press.
10. Hesse V. Is mediation suitable to resolve sports related disputes? // URL:  
<https://www.lawinsport.com/topics/articles/item/is-mediation-a-suitable-to-resolve-sports-related-disputes?tmpl=component&print=1>.
11. Юрлов С.А. Разрешение спортивных споров: вопросы теории и практики: дис. ... канд юрид наук: 12.00.15 . М., 2017. – 208 с. – С.114.
12. Sport Unit, Directorate General for Education and Culture, European Commission, Brussels.
13. UK Department of Culture Media and Sport (DCMS), London. According to a joint Report of the DCMS and the Downing Street Strategy Unit, entitled ‘Game plan’, published in December 2002, the UK Government, with the benefit of funding from the National Lottery, will invest over £2bn in sport over the next three years.